



## ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВНИНГ САМАДОРЛИГИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

**Ташходжаев Мухторхон Махсудович**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси,  
и.ф.н., доцент. Тошкент, Ўзбекистон.*

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss4/a13](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss4/a13)

### **Аннотация**

Мақолада олий таълим муассасаларини молиявий бошқарув тенденцияларига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг замонавий назариялари ва ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган. Молиявий бошқарувда хорижий мамлакатларнинг тажрибалари ва талабалар томонидан тўланадиган контракт тўловлари ва профессор-ўқитувчиларга тўланадиган иш ҳақлари миқдорлари каби жиҳатлар таҳлил этилган. Тадқиқотлар асосида олий таълим муассасаларини молиявий бошқаришда ташқи ва ички омилларни тартибга солишга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** олий таълим муассасаси, молиявий менежмент, молиялаштириш, молиявий мустақиллик, таълим тўлови, олий таълим бозори.

### **АНАЛИЗ ФАКТОРОВ ОПРЕДЕЛЯЮЩИХ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ФИНАНСОВОГО УПРАВЛЕНИЯ В ВУЗАХ УЗБЕКИСТАНА**

**Ташходжаев Мухтархан**

*Независимый научный сотрудник Ташкентского государственного экономического университета, доцент. Ташкент, Узбекистан.*

### **Аннотация**

В статье анализируются факторы, влияющие на тенденции финансового менеджмента высших учебных заведений, их современные теории и конкретные аспекты. Анализируется опыт зарубежных стран в области финансового управления и такие аспекты, как плата за контракты, выплачиваемая студентами, и заработная плата, выплачиваемая профессорам. На основе исследований разработаны научные предложения и рекомендации, направленные на регулирование внешних и внутренних факторов финансового управления высшими учебными заведениями.

**Ключевые слова:** высшее учебное заведение, финансовый менеджмент, финансирование, финансовая независимость, плата за обучение, рынок высшего образования.

### **ANALYSIS OF FACTORS DETERMINING EFFICIENCY OF FINANCIAL MANAGEMENT IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS IN UZBEKISTAN**

Tashkhodjaev Mukhtarkhan

*Independent researcher of Tashkent State University of Economics, associate professor. Tashkent, Uzbekistan.*

### **Abstract**

The article analyzes the factors affecting the trends of financial management of higher education institutions and their modern theories and specific aspects. The experiences of foreign countries in financial management and aspects such as contract fees paid by students and salaries paid to professors are analyzed. Based on research, scientific suggestions and recommendations aimed at regulating external and internal factors in the financial management of higher education institutions have been developed.

**Key words:** higher education institution, financial management, financing, financial independence, education fee, higher education market.

### **Кириш**

Мамлакатимизда олий таълим муассасаларининг молиявий бошқарув амалиётлари икки нуқтаи назардан ажратилиши мумкин. Биринчидан молиявий мустақиллик тақдим этилгунга қадар ривожланиш тенденциялари, иккинчидан молиявий мустақиллик берилиши билан юзага келган трендлар билан изоҳланиши мақсадга мувофиқ. Молиявий мустақиллик категориясининг олий таълим муассасаси бошқарув тузилмасига уйғунлашуви бошланиши билан рақобат муҳитига бўлган зарурат юзага келди, деб ўйлаймиз.

Умуман олганда, эркин бозор муносабатлари ривожланиши билан олий таълим муассасаларини иқтисодиётнинг мустақил субъекти сифатидаги ролини таъминлашнинг индивидуал зарурати вужудга келади. Ўтган асрнинг охирига қадар кўплаб ривожланаётган мамлакатларда давлат молияси мажбурияти ижтимоий пакетида олий таълим хизматлари муқим жой олиб улгурган эди. Бу эса, университетларни олий таълим бозоридаги “молиявий бошқотирма”лардан ҳоли бўлишига ёрдам берди. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида давлат олий таълим умумий стратегиясини ҳам ишлаб чиқишни таъминлаб берувчи ҳам амалга оширишни мониторинг қилиб борувчи ролини ўйнаганлигини келтириш мумкин.

Н.Балделж тадқиқотларида 1980 йиллардан сўнг глобал ижтимоий тарихда икки тенденция вужудга келганлиги қайд этилади. Жумладан, жаҳонда мамлакат сиёсатини ишлаб чиқишнинг нео-либерал шакли ва пост совет мамлакатларида социализм ғояларининг инқирозга учраши билан изоҳланади[1]. Олий таълим тизимида дастлабки неолиберал сиёсатнинг қўлланиши натижасида тўлов-шартнома бадалларининг 1984 йилда Англияда жорий этилиши билан бошланди[2].

Фикримизча, XX асрнинг сўнги йилларида вужудга келган тенденциялар олий таълим муассасаларини давлатга қарамлигини белгилаб берди. Шунингдек, айрим ривожланаётган мамлакатлар олий таълим қамровининг ошишидан манфаатдорлиги мавжуд эмасдек кўрсаткичларни акс эттирди. Натижада, олий таълим хизматларини марказлашган ҳолда бошқариш шакллари ва молиявий бошқарувнинг “ягона намунаси” сақланиб қолди.

Ўзбекистон тажрибасида олий таълим хизматларининг ривожлантиришга бўлган интилиш мустақилликнинг илк кунларидан шаклланди. Бизнинг асримиз бошларига қадар қатор давлат олий таълим муассасалари ташкил этилди ва олий таълим тизимида халқаро стандартлар жорий этишга бўлган истакларнинг мавжудлиги

кўзга ташлана бошланди. Бироқ, айрим макроиқтисодий даражадаги кўрсаткичлар ислохотларни жадаллаштириш зарурлигини кўрсатиб тутарди. Булар сирасига, давлат бюджетига бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги, қабул квоталарининг марказлашганлиги, хусусий олий таълим хизматлари бозорининг ривожланишига эътибор қаратилмаганлиги каби омилларни келтириш мумкин.

Бизнингча, олий таълим тизимида молиявий бошқарувнинг шаклланиши самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ташқи ва ички элементларнинг вужудга келиши билан изоҳлаш мумкин. Ўз навбатида, ташқи омилларга олий таълим тизимига давлат таълим ва макроиқтисодий сиёсатининг моҳиятидан келиб чиқади. Ички элементларга эса мавжуд қонунчилик асосида ўзининг мустақил стратегияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан боғлиқ ҳолатларни келтириш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Бизнингча, олий таълим тизимидаги макро сиёсатнинг лозим даражада ташкил этилмаслиги мамлакатнинг бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларида ҳам ўз аксини топар экан. Мазкур ҳолатнинг вужудга келиши эса, олий таълим муассасаларида молиявий бошқарув борасида ташаббускорликнинг йўқолишига олиб келади.

М.Раҳимов ва Ф.Якубов томонидан ўзбек ёшларининг олий таълим олиш борасидаги миграцион тенденциялари таҳли этилади. Уларга кўра, ўзбек ёшлари Россия, Туркия ва Жанубий Корея университетларига улардаги академик потенциал ва сифатли таълим тенденциялари мавжудлиги сабабли ўқишга киришмоқда. Жумладан, 2015-2017 йилларда Россияга ўртача 20 мингдан ортиқ ёшларга олий таълим олиш учун кетишган бўлса, 2018 йилда 19 мингга тенг бўлган. 2015-2019 йилларда Туркия билан боғлиқ тенденцияларда ўртача 1476 нафар ёшлар ўқишга кетган бўлса, 2017 йилда 1150 нафарни, 2019 йилда 2070 нафарни ташкил этган[3].

И.Абдуллоев ва бошқалар тадқиқотларида кам малака билан юқори иш ҳақи тўланадиган мезбон мамлакатлар бошқа мамлакатларнинг фуқароларини, айниқса ўз мамлакатларидагига нисбатан юқори даромад орқали жалб этаётганлиги қайд этиб ўтилади. Бу каби иш ҳақидаги ўзаро фарқлар ёшларнинг ўз мамлакатида олий таълим олишга бўлган қизиқишни камайтириб, ишлаш учун мамлакатдан кетишга ундамоқда, оқибат эса инсон капиталига инвестиция киритишга бўлган жараёнлар йўқолишига олиб келмоқда. 2013 йилдаги сўровнома натижаларига кўра, Марказий Осиё давлатлари – Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистонда инсон капиталининг шаклланиш тенденциялари пасаймоқда. Натижада, ушбу мамлакатлар билимга асосланган иқтисодиёт қуриш имкониятини кечиктириб, ушбу жараёнлар кўплаб ёшларни хорижда ишлаш ёки ўқиш учун кетишига таъсир кўрсатганлиги, деб таъкидлаб ўтилади [4].


М. Ахунов ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотларда Ўзбекистонда хориждан ўтказмалар таълим олишга йўналтирилмаслигини аниқладилар [5]. Д. Ванг ва бошқалар эса, Ўзбекистонда халқаро пул ўтказмаларининг таълимга ва уйга инвестиция қилишдаги аҳамиятининг мавжуд эмаслигини маълум қилиб, ушбу ўтказмалар асосан озиқ-овқат ва тиббий хизматлар учун йўналтирилиши таъкидлаб ўтилади [6].

### **Таҳлил ва натижалар**

Тадқиқотларимизни ташқи омилларни шаклланишига замин ҳозирлаган тенденцияларни таҳлил этишдан бошласак мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Ўзбекистонда 2008-2016 йиллар оралиғида олий таълим муассасаларининг сони турғун тенденцияни ташкил этган. Мазкур давр оралиғида фақатгина давлат олий таълим муассасалари фаолият олиб борган. Уларнинг сони 65 тадан 70 тага қадар ошган бўлсада, ушбу ўсиш хорижий олий таълим муассасалари филиалларининг ташкил этилиши билан бевосита боғлиқ ҳисобланади (1-расмга қаранг).

2008/2009 ўқув йилларидан бошлаб жами талабаларнинг сони камайиш тенденцияси вужудга келган. Мазкур йилларда олий таълим муассасаларидаги кўплаб таълим йўналишлари қисқартирилиб, профессор-ўқитувчилар штатлари сони ҳам камая бошлаган. Бунинг натижасида, олий таълимнинг қамраб олиш миқёси 10 фоиздан ортмаган. 2017-2018 ўқув йилига қадар талабалар қабулининг ошиш тенденциялари деярли вужудга келмаган. Ушбу кўрсаткичнинг ўзгаришсиз даражада қолиши, олий таълим муассасалари сонининг ошишига ҳам заруратни келтириб чиқармаган (1-расмга қаранг).

2008-2009 йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг вужудга келиши давлат бюджетидан олий таълим хизматларини молиялаштириш тенденциялари пасая бошлади. Шундай бўлсада, кўплаб давлатлар ушбу ҳолатда олий таълимни қамраб олиш тенденцияларини сақлаб қолишга ҳаракат қилишди. Бунинг натижасида таълим тўлов-шартнома қийматининг ошиши вужудга келди.




**1-расм. Олий таълим муассасалари ва улардаги талабалар сони [7]**

Масалан, 2008 йилдан бошлаб АҚШнинг кўплаб штатларида давлат бюджетидан молиялаштириш қисқаришини тўлдириш ёки талабалар сони камайиши фониди тўлов-шартнома қиймати ошди ва кўплаб академик фаолият билан боғлиқ иш

Ўринлари қисқарди. Жумладан, Алабама, Аризона, Флорида кабиларда тўлов-шартнома қиймати 60 фоизга ошган бўлса, Луизанада икки баробар ўсди [8].

Фикримизча, 2008-2009 йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг вужудга келиши фонида олий таълимнинг қамраб олиш миқёси камайиб борди. Шунингдек, қабул квоталарининг марказлашган ҳолда амалга оширилиши олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини яратишга заруратни келтириб чиқармаган. Натижада, олий таълим муассасаларида молиявий бошқарувнинг “битта намунада”ги шакли мамлакат бўйлаб тарқалган.

“Битта намуна”даги молиявий бошқарувнинг вужудга келиши мамлакатда таълим импортининг барқарор ривожланишига бўлган тенденцияни шаклланишига олиб келди. Бу эса, давлат тўлов балансида жорий операцияларнинг салбий сальдо тенденцияларига ёрдамлашиб юборди.



**2-расм. 2009-2022 йилларда абитуриентлар сони ва таълим импортининг ривожланиши[9]**

2009 йилдан бошлаб олий таълимда ўқиш истагини билдирган абитуриентларнинг сони сезиларли даражада ўса бошлади. 2011 йилда 424 минг кишини ташкил этган бўлса, 2016 йилда 673 минг кишини ташкил этди. Агар ушбу рақамларга асосланиб уларнинг талаба бўлганлари улуши аниқласак, мос равишда 14,3 фоиз ва 9 фоизни ташкил этган (1 ва 2-расм маълумотлари асосида ҳисобланган). Ушбу ҳолатдан кўринадики, олий таълим бозорида ялпи талаб ўсиб бориш тенденцияларига мувофиқ тарзда қабул квоталари ўзгармаган. Бу эса, таълим импортининг фаол ривожланишига хизмат қилган.

2009-2018 йилларда тўлов балансининг жорий операцияларида “таълим олиш учун” халқаро тўлов тенденциялари мамлакатда фаол таълим импорти шаклланганлигини кўрсатиб беради. 2009 йилда таълим импорти ҳажми 0,02 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2013 йилда ўзининг энг юқори нуқтасига етиб, 7,15


млн. АҚШ долларини ташкил этган. Умуман олганда, 2010-2017 йилларда таълим импорти учун тўлаб берилган тўловлар ўртача 4,0 млн. АҚШ долларига тенг бўлган. Мазкур йиллардаги салбий сальдонинг вужудга келиши олий таълим бозоридаги қамраб олиш кўрсаткичининг пасайиб бориши натижасида юзага келган ва ушбу тенденция давлат тўлов балансида ўз аксини топган. 2018 йилдан кейинги тенденцияларга эътибор қаратсак, таълимнинг хизматларининг ижобий сальдо билан ривожлана бошлаганлигига гувоҳ бўламиз. Ушбу 2018-2022 йилларда соф экспорт ҳажми ўртача 5,2 млн АҚШ долларидан ортиқни ташкил этган (2.2-расмга қаранг).



**3-расм. Олий таълим муассасаларининг сони [10], бирлик**

Олий таълим муассасаларининг молиявий бошқарувига таъсир этувчи ташқи омиллар қаторига олий таълим муассасаларининг сони ҳам ўз таъсирини ўтказади. 2017 йилга қадар олий таълим муассасаларининг сони туруғн тенденцияни ташкил этган бўлса, 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб нодавлат муассасаларнинг сони орта бошлади. 2022/2023 ўқув йили бошига олий таълим муассасаларининг умумий сони 191 тани ташкил этди. 200га яқинлашган олий таълим муассасаларининг 22 фоизга яқини нодавлат муассасалар хусусий мулкчилик шаклида ташкил этилган бўлиб, олий таълим қамровини оширишда муҳим рол ўйнади (3-расмларга қаранг).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони билан нодавлат (хусусий) олий таълим муассасаларининг ривожлантирилиши кўзда тутилди. Унга кўра, қамраб олиш миқёсини 2030 йилга қадар 50 фоизга етказиш белгиланган. 2018 йилдан кейинги тенденцияларни кузатадига бўлсак, нодавлат олий таълим муассасаларининг ривожланиши ижобий тенденцияларни вужудга келтирмоқда. Унинг натижасида, қамраб олиш даражаси ҳозирги кунда 30 фоиздан ошганлигини таъкидлаш мумкин.



4-расм. Олий таълим ташкилотларига қабул қилинган талабалар сони [10] (ўқув йили бошига, минг киши)

Ўзбекистон Республикаси Прехидентининг ПФ-5847-сон фармони қабул қилиниши билан нодавлат олий таълим муассасалари сони ўса бошлади. 2020 йилда пандемия сабаб уларнинг сони атига 5тани ташкил этган бўлса, ундан кейинги ўқув йилидан бошлаб сезиларли ўсиш тенденцияларини акс эттирган ва 2022/2023 ўқув йили бошида 41 тани ташкил этган [10].

Олий таълим тизимида қамров даражасини ошишига сезиларли таъсир кўрсатган тенденцияларни 4-расм маълумотларидан кўришимиз мумкин. Унга кўра, 2022/2023 ўқув йилларида нодавлат ва хорижий олий таълим муассасалари биргаликда 25 фоизга яқин талабаларни қабул қилган. 2018 йилга нисбатан нодавлат олий таълим муассасаларининг қабул квоталари ўсиш миқёси 45 баробардон ортиқ бўлганлигини таъкидлаш лозим (4-расмга қаранг).

Нодавлат (хусусий) олий таълим муассасаларида талабаларни қабул қилиш режаларининг ошиши давлат муассасаларининг истиқбол режаларига таъсир этиши мумкин. Бу эса, молиявий бошқарувнинг ташқи омиллар натижасида такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Маълумки, давлат олий таълим муассасаларига қабул йилнинг август ойларида бўлиб ўтади. Ушбу даврга қадар кўплаб хорижий ва нодавлат олий таълим муассасаларининг қабул жараёнлари аллақачон бўлиб ўтган ёки қизғин паллада бўлади.

2023 йил март ойида бир нечта хусусий олий таълим муассасаларида 2023-2024 ўқув йили учун қабул эълон қилинмоқда. Ушбу хусусий олий таълим муассасаларига қабул бошланганлигини <https://t.me/xushnudbek/18602>, <https://t.me/xushnudbek/18592>, <https://t.me/xushnudbek/18572> каби ижтимоий тармоқдаги рекламалардан ҳам кўриш мумкин. Март ва август ойларида ярим йиллик муддат ҳажмида фарқ борлигини инобатга олинса, давлат олий таълим муассасалари нисбатан билимли ёшларни қамраб олишга ҳаракат қилишмоқда. Қабул жараёнларининг бир муддат олдин бошланиши таълим бозоридаги устунлик бериб, олдиндан талабаларни “банд” этиб қўйиш имконини беради. Бу эса, давлат олий таълим муассасаларига рақобат устунлигини таъминлаш учун мустақил қарорлар қабул қилиши заруратини кўрсатиб беради.

Шу билан бирга, олий таълим муассасаларининг молиявий бошқарув тенденцияларида тўлов-шартнома суммасининг белгиланиши давлат олий таълим муассасалари учун марказлашган ҳолда белгиланса, нодавлат олий таълим

муассасаларининг молиявий режалар асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 393-сонли қарори давлат олий таълим муассасаларига тўлов-шартнома асосида қабулни амалга оширишни белгилайди.

Мазкур ҳужжат билан қўшимча қабул амалиётини тартибга солиш назарда тутилган. Унга кўра, оширилган тўлов-шартнома асосида қўшимча қабулни амалга ошириш мумкин бўлади. Абитуриент томонидан тўплаган баллари тасдиқланган тўлов-контракт бўйича қабул квоталари чегарасига бир баллгача етмаган абитуриентлар учун — 1,5 баробар; 1,1 баллдан 2 баллгача етмаганлар учун — 2,0 баробар; 2,1 баллдан 3 баллгача етмаганлар учун — 2,5 баробар; 3,1 баллдан 4 баллгача етмаганлар учун — 3,0 баробар тўлаш орқали талаба мақомига эришиш мумкинлиги белгиланган. Ушбу методологиянинг амалга оширилиши билан олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини яратиш зарурати вужудга келаётганлиги кўриш мумкин. Ушбу ҳолатнинг амалда бўлиши билан молиявий бошқарувга марказлашган ҳолла таъсир этиш механизми мавжуд эканлигини таъкидлаш мумкин.

Жаҳон тажрибасида тўлов-шартнома қийматининг жорий этилиши неолиберал сиёсатнинг қўлланишини акс эттирсада, ушбу тўловнинг марказий ваколатли орган томонидан белгиланиши олий таълим муассасаси “молиявий бошқотирма”дан холи эканлигини англатади. Ушбу ҳолатда эса муассаса ўзининг мустақил молиявий сиёсатини ишлаб чиқишда айрим мураккабликлар мавжудлигини қайд этиш мумкин. Ўз навбатида, олий таълим муассасаларида ўз моддий-техник базаси ва илмий салоҳиятидан келиб чиқиб тўлов-шартнома қийматини белгиламаслиги талабаларни танлаб олишга бўлган истакни вужудга чиқармайди.

Фикримизча, мазкур тенденциянинг мавжудлиги ҳар қандай абитуриент (талаба)нинг олий таълим муассасасига қабул қилинишига хайрихоҳликни ортишига замин ҳозирлайди. Бу эса, меҳнат бозорида юқори рақобатга мўлжалланган мутахассисларни тайёрлашни кўзда тутмаслиги мумкин. Бунинг сабаби сифатида, қабул жараёнларининг марказлашган ҳолда ва тўлов-шартнома қийматини белгилашда муассасалар хусусиятидан эмас, балки йўналишнинг хусусиятидан келиб чиқиб белгиланишидир.

#### **Таҳлил: замонавий тенденциялар**

Давлат ва хусусий олий таълим муассасаларида тўлов-шартнома қийматини белгилашда бир нафар профессор-ўқитувчига тўғри келадиган талаба сони ҳам турли шаклларда эканлиги улар ўртасидаги рақобатни номувофиқ бўиб қолишига таъсир этиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 30 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим соҳалари (таълим йўналишлари) бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 53-2021-сон буйруғи таълим йўналишлари хусусиятидан келиб чиқиб талабалар сонини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби

тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 80-сон қарори билан нодавлат олий таълим муассасаларида бир нафар ўқитувчига тўғри келадиган талаба сони 12-16 нафар этиб белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, юқоридаги буйруқда бир нафар ўқитувчига тўғри келадиган талаба сони 12 тадан кам бўлган ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, ушбу буйруқ талаблари Вазирлар Маҳкамаси 80-қароридagi талаблардан бир мунча фарқланади. Бу эса, олий таълим муассасалари ўртасидаги рақобатни таъминлашда ҳуқуқий нормаларнинг ташқи таъсирини шаклланишига олиб келади ва молиявий бошқарувдаги номутаносибликка олиб келиши мумкин.

Олий таълим тизимида амалга оширилган амалий ислоҳотлар натижасида қатор ижобий тенденцияларни кузатиш мумкин. Бунда талабаларнинг танлов диапазонининг кенгайтирилганлиги ва таълим импортининг камайганлиги алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Умуман олганда, олий таълим тизимида тўлов-шартнома қийматининг белгиланган ва унинг хусусиятланиши қуйидагилар билан ажралиб бормоқда:

- давлат олий таълим муассасаларидаги марказлашган амалиётнинг ёндашуви;
- давлат олий таълим муассасаларидаги қўшма таълим дастуридаги мустақил ёндашув;
- молиявий мустақиллик амалиётини жорий этишда алоҳида расмий ҳужжат билан ягоналик ёндашуви;
- хорижий олий таълим филиалларининг ёндашуви;
- хусусий олий таълим муассасаларидаги тижорий ёндашув кабиларни келтириш мумкин.

Мазкур тенденцияларда давлат олий таълим муассасаларидаги марказлашган ёндашувнинг сақланиб қолаётганлиги уларнинг олий таълим бозоридagi ўрнини сақлаб қолишга характани бошлаш заруратини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, ушбу амалиёт қобилиятли ва билимли абитуриент ёшларни жалб этишда тўлақонли имкониятларни тақдим этмаяпти. Натижада эса, меҳнат бозори талабларига мос замонавий мутахассисларни тайёрлашда истиқболлари узоқлашмоқда.

Бу борада, Ш.Валиевнинг тадқиқот хулосалари тўлов-шартнома қийматини муассаса молиявий манфаатларидан келиб чиқиши заруратини кўрсатиб беради. Унинг фикрича, олий таълим харажатларининг ўсишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатиши қайд этиб ўтилади[11]:

- олий таълим персонал хизмат кўрсатишга асосланган тармоқ ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида ишчи кучи-меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини чекловчи энг муҳим омил ҳисобланади;
- олий таълим юқори малакали ишчи кучини талаб этувчи тармоқ. Ушбу талаб олий таълимдаги асосий ишчи кучининг илмий салоҳиятига қўйилган талаб билан изоҳланади;
- олий таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги янги технологияларнинг жорий қилиниши янада юқорироқ малакага эга ишчи кучини талаб этади;
- юқори технологиялардан фойдаланиш ва капитал сиғимини пасайтириш ушбу соҳада таннархни пасайтириш эмас сифатни кўтариш учун талаб этилади.

Бизнингча, олий таълим тизимининг молиявий бошқарув сиёсатида ташқи таъсирларнинг салбий оқибатлари бир қатор нобарқарорликларни олиб келиши мумкин экан. Улар сирасига қуйидагиларни келтириш мумкин:

– олий таълим тизимида “ягона намуна”даги молиявий бошқарув амалиётини шаклланишига олиб келади. унга кўра, олий таълим муассасаларида молиявий бошқарувнинг ягона шаклда бўлиши сақланиб қолади;

– олий таълим тизимида марказлашган молиявий сиёсатнинг олиб борилиши ва муассасаларда молиявий манфаатдорлик ғоясининг йўқолиб бориши, олий таълим муассасалар молиявий бошқарувидаги ташаббускорликни вужудга келишига тўсқинлик қилади;

– таълим қамровининг камайиб бориши таълим импортини шаклланишига олиб келади ва мамлакатда инсон капитали ёки таълимга инвестиция қилишнинг жозибadorлиги йўқолади;

– таълим-тўловининг марказлашган ҳолда белгиланиши давлат олий таълим муассасаларининг молиявий бошқотирмалардан ҳоли бўлишига шароит яратмоқда. Ўз навбатида, давлат олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлиги тескари пропорционал тарзда ривожланиб бормоқда.

### **Хулоса**

2016 йилда бошланган ислохотларнинг янги босқичи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 декабрдаги ПҚ-60 ва ПҚ-61-сон қарорлари бўлди, десак хато бўлмайди. Мазкур қарорларнинг қабул қилиниши олий таълим муассасаларида академик ва молиявий мустақилликнинг тўлиқ жорий этилиши ва улар ўртасида рақобатни шакллантиришнинг ҳозирги босқичини белгилаб берди.

Мазкур қарорларнинг қабул қилиниши билан 35 та давлат олий таълим муассасалари академик ва молиявий қарорларни қабул қилишда мустақиллик элементида эга бўлишди. Мазкур элементнинг жорий этилиши нодавлат ва хорижий олий таълим муассасалари рақобатга кириша олишини таъминлашда иборат, десак мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу қарорлар орқали қуйидаги жиҳатларни янада такомиллаштириб бориш молиявий бошқарувга таъсир этувчи ички омилларни ривожлантиришга замин ҳозирлайди.

Биринчидан, таянч олий таълим категориясини босқичма-босқич бекор қилиш. 2016 йилга қадар давлат олий таълим муассасаларида таълим йўналиши ўқув режасини бир муассасада ишлаб чиқиб, республиканинг барча ушбу таълим йўналишларида амалда бўлишини кўзда тутишни англатар эди. Ушбу тенденциянинг мавжудлиги турдош таълим йўналишига эга бўлган икки муассасас ўртасида рақобатлашишга заруратни келтириб чиқармас эди. Сабаби, ўқитиладиган фанлар ҳам бир хил бўлишидан ташқари, тўлов-шартнома қиймати ҳам бир ҳажмда марказлашган ҳолда белгиланишини таҳлил этиб ўтдик. Академик мустақиллик нуқтаи назаридан, бир номдаги таълим йўналиши учун икки университет турли ўқув режаларни ишлаб чиқиши шу асосда таълим тўловини белгилаши орқали таълим бозорида рақобатлашиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Иккинчидан, таълим тўловларини белгилашнинг индивидуал хусусиятини жорий этиш. бунда муассасанинг моддий техник ва илмий салоҳиятини инобатга олиб таннархни ҳисоблаш механизмини татбиқ этиш.

Учинчидан, профессор-ўқитувчилар билан шартнома тузишда ўқув ва илмий фаолият учун икки шаклни жорий этиш. Ўқув фаолиятни назарда тутган шартномада профессор-ўқитувчининг ўқув машғулотларини олиб боришини назарда тутиш. Илмий фаолиятни акс эттирган шартнома имзолаган ходимлар учун ўқув машғулотлари бир йиллик ўқув юкмаси ҳажмидан келиб чиқиб, халқаро илмий етакчи базаларда индексация қилинган журнал ва нашриётларда илмий нашрлар чоп этишни белгилашни кўзда тутиш.

Тўртинчидан, талабаларни жалб этиш жозибадорлигини оширишда университетнинг грант/стипендия дастурларини жорий этиш. Ушбу ҳолда олий таълим бозорида рақобатбардошликни ошириш ва юқори салоҳиятли ёшларни муассасага жалб этишни назарда тутиш. Ушбу дастурнинг шаффофлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш.

Фикримизча, олий таълим муассасаларида ташқи ва ички омиллар таъсири доирасида молиявий бошқарув амалиётини такомиллаштириш университетларнинг рақобатбардошлигини оширади. Бундан ташқари, мамлакатда таълим импортини камайишига олиб келиб, инсон капиталига инвестиция қилишга бўлган интилишнинг ривожланишига замин ҳозирлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Bandelj, N. On postsocialist capitalism. *Theor Soc* 45, 89–106 (2016). <https://doi.org/10.1007/s1186-016-9265-z>
2. Williams P., (1984) Britain's Full-Cost Policy for Overseas Students. *Comparative Education Review* 28, (2), 258-278
3. M. Rakhimov, F. Yokubov Uzbekistan external migration: key trends and directions. *Eurasian research journal, ERJ*, Vol. 4, No. 1, pp. 27-47, January 2022
4. Abdulloev, I., Epstein, G. & Gang, I. (2020). Migration and Forsaken Schooling in Kyrgyzstan, Tajikistan, and Uzbekistan. *IZA Journal of Development and Migration*, 11(1) -. <https://doi.org/10.2478/izajodm-2020-0004>
5. Ahunov, M.; J. Kakhkharov; Z. Parpiev; I. Wolfson (2015): Socio-Economic Consequences of Labor Migration in Uzbekistan. Discussion Papers in Economics Economics: 201507, Griffith University, Department of Accounting, Finance and Economics.
6. Wang, D.; A. Hagedorn; G. Chi (2019): Remittances and Household Spending Strategies: Evidence from the Life in Kyrgyzstan Study, 2011-2013. *Journal of Ethnic and Migration Studies*, 1-22.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>
8. Michael Mitchell, Michael Leachman, and Matt Saenz State Higher Education Funding Cuts Have Pushed Costs to Students, Worsened Inequality. Center on Budget and policy priorities. October 24, 2019. [https://tacc.org/sites/default/files/documents/2019-11/state\\_he\\_funding\\_cuts.pdf](https://tacc.org/sites/default/files/documents/2019-11/state_he_funding_cuts.pdf)
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги ва Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланган.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари
11. Валиев Ш. Олий таълим муассасаларини молиялаштиришда харажатлар таҳлили, ёндашувлар ва назариялар// “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali. – T., 2022. - №4 (00060). – Б. 43-55.